



# МАДАНИЯТ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№34 (64) 22.08.2019 йил

» Матбуот анжумани

## “Шарқ тароналари”: Самарқанд жаҳонга юз тутмоқда



Ўтаётган ҳар бир кунимиз энг улуг, энг азиз байрамимиз — истиқлолимизнинг 28 йиллик шодиёналарига тобора яқинлаштирмоқда. Қутлуғ айём арафасида юртимизнинг юзи, давлатимизнинг нуфузини жаҳон майдонида юксакларга кўтарадиган улуг тантаналар — “Шарқ тароналари”-ю, моддий ва маданий меросни асрашга бағишланган халқаро конференция ҳам ўз ишини бошлаш тараддудида. Ўзбекистон Республикаси маданият вазирида ушбу анжуманлар олдидан матбуот ходимлари билан учрашув, давра суҳбати уюштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 26 февралдаги “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида 26-30 август кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро анжуманга, таъбир жоиз бўлса, ҳамма нарса тахт, азиз меҳмонларни кутиб олиш учун эса мезбонлар шай турибди. Бу ҳақда маданият вазири Бахтиёр

Сайфуллаев батафсил ахборот берди. Таъкидландики, бу йил ўн иккинчи бор ўтказиладиган халқаро мусиқа фестивалида дунёнинг 78 мамлакатидан 293 нафар иштирокчи қатнашади. Бундай нуфузли анжуманда қатнашиш истагидаги талабгорлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Демак, тайёргарликлар юқори даражада бўлиши керак. Фестиваль доирасида “Шарқ халқлари анъанавий мусиқа санъатини ри-

вожлантириш истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференция, “Энг яхши ижро учун” халқаро кўрик-танлови каби қатор тадбирлар — ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари, тақдирот ва маҳорат дарслари ўтказилади, хорижлик иштирокчиларнинг Самарқанд шаҳри бўйлаб саёҳати уюштирилади, маданият масканларида концерт дастурлари намойиш этилади.

Давоми 2-саҳифада »

Ушбу сонда

### Маданият ва маърифат тарғиботи маскани

3-саҳифада »

### Бибиона — ноёб археологик ёдгорлик



4-саҳифада »

### Тарих тилга кирганда...

6-саҳифада »

### Хоразмнинг дурдона битиклари



8-саҳифада »

» Халқаро фестивал

## Хунармандлар шаҳрига марҳабо!

Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги “Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарорига асосан, жорий йилнинг 10-15 сентябрь кунлари Қўқон шаҳрида Халқаро хунармандчилик фестивали бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур фестиваль ҳар икки йилда бир марта ташкил этилади.

Ўзбекистон дунё мамлакатлари ичида халқ амалий санъати ва хунармандчиликнинг энг қадимий турлари, анъаналари, ўзига хос услуб ва мактаблари сақланиб қолган кам сонли мамлакатлардан бири сифатида алоҳида

ўрин тутади. Хунармандларимиз томонидан тайёрланган буюм ва маҳсулотлар хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу боис, юртимизда миллий хунармандчиликни ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлди.

Қўқон шаҳрида ўтказиладиган халқаро хунармандлар фестивалида хорижий давлатлардан маҳоратли хунармандлар, амалий санъат усталари, мутахассислар, сайёҳлар ҳам иштирок этишади.



— Ушбу фестивалнинг асосий мақсади, — дейди Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори Азамат Ҳайдаров, — халқимизнинг қадимий тарихи ва маданий ҳаётини ҳар томонлама ёритиш, номоддий маданий меросимиз бўлган кўп қиррали ўзбек миллий хунармандчилигини кенг намойиш қилиш, унинг ноёб намуналарини тарғиб этиш,

шунингдек, ушбу йўналишда ўзаро тажриба алмашиш орқали турли халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алоқаларни халқаро миқёсда кучайтириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касбий анъаналар ва хунармандчилик мактабларини сақлаш ва қайта тиклашдан иборат.

Давоми 2-саҳифада »



Ташриф

**Маданият вазири Қорақалпоғистонда**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги фармойишига асосан жорий йилнинг август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ҳамда 17-18 август умумхалқ хайрия ҳашари кунлари деб эълон қилинган.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирининг барча ташкилотлари, муассасаларида ўтказилган умумхалқ ҳашарида Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаев ҳам ишти-

рок этди. Ҳашар давомида Б.Сайфуллаевнинг маданият соҳаси ходимлари билан суҳбати ҳам ташкил этилди. Бу учрашувларда соҳада амалга оширилаётган ишлар ва келгусида қилиниши керак бўлган масалалар муҳокама қилинди.



Ифтихор

**Биздан эзгу амалларимиз қолади**

Энди яшайдиган, ишлайдиган давр келди. Ўзгаришлар суръати юксак, янгиланишлар кўлами кенг. Мамлакатимизда олиб борилётган изчил ислохотлар аниқ ва қатъий мақсадларга қаратилган. Афсуски, бу кунларга кескайган чоғимда етиб келдим.

Давлатимиз раҳбарининг мақсадлари аниқ — одамларимизни рози қилиш, уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш, онгу тафаккурини миллий ғоя асосида ўзгартириш... Ватанга дахлдорлик ҳиссини ошириш устувор вазифаларимиздан. Шунинг учун айтаманки, энди ҳаётга янгича қараш, янада ғайрат ва шижоат кўрсатиб ишлаш вақти келди. Камчилик ва муаммоларга адолатли ечим топиш — давр тақозоси.


Президентимиз томонидан 7 февраль 2017 йилда имзоланган “207-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармоннинг мазмун-моҳияти билан танишиб, бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Фармон ижроси юртимизда барча соҳалар рағбатига хизмат қилмоқда. Яъни халқ билан учрашиш, тасодифий муаммоларни ҳал этиш, яхшилар билан танишиш, одамларнинг қалбига қулоқ тутиш, дилдан суҳбатлашиш каби хайрли саъй-ҳаракатлар айни кунларда ҳам Президентимиз фаолиятида яққол намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик, осойишталик, бағрикенглик таъминланиб, ҳар бир фуқаронинг ўз имконияти, истеъдоди ва қобилиятини юзага чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Айниқса, тадбиркорлар, хунармандлар, фермерларнинг орзулари ушлагани кишини қувонтиради. Мамлакатимизда давлат, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларда ўзаро манфаатлар уйғунлигига эришиш Ҳаракатлар стратегиясининг устувор тамойили этиб белгиланган. Бу барчани хурсанд қилиши шубҳасиз, зеро, бу дунёда биздан қоладигани эзгу амалларимиздир.

**Алижон АЗИЗОВ, санъатшунослик фанлари номзоди, Наманган вилояти**

Давоми. Боши 1-саҳифада

**“Шарқ тароналари”: Самарқанд жаҳонга юз тутмоқда**



Шунингдек, Регистон майдони атрофида Республикаимиз вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари ҳам ўз санъати, маданияти ва анъаналарини кўрсатишлари учун жой ажратилди. Миллий чолғу асбоблари, хунармандчилик кўргазмалари ташкил этилади.

Бу каби кенг қамровли кўрик-танлов иштирокчиларини саралаш ва тақдирлашдек масъулиятли вазифани санъатшунослар, таниқли санъаткорлар, композиторлар, бастакорлар, хорижий санъат усталари билан иборат халқаро ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боради.

Мукофотлар ҳам салмоқли: Гран-при соҳибига 10 минг АКШ доллари, иккита 1-ўринга — мингдан, иккита 2-ўринга 3 минг 500, учта 3-ўринни эгаллаганларга 2 минг доллардан пул берилади. Шунингдек, “Энг ёш иштирокчи”, “Мухлислар эътирофига сазовор бўлган энг яхши

иштирокчи”, “Энг яхши чолғу мусиқаси ижроچиси” каби номинациялар бўйича ғолиблар ҳам муносиб тақдирланади.

Матбуот анжуманида, шунингдек, 26 август кунин Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Моддий ва номоддий маданий меросни асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш стратегияси” мавзусидаги халқаро конференция ва 22-27 август кунлари Тошкент, Термиз, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтадиган “Ўзбекистон — буюк йўллар ва тамаддунлар чорраҳаси: империялар, динлар, маданиятлар” маданий мерос ҳафталиги, унинг мазмун-моҳияти, халқаро аҳамияти ҳақида сўз борди.

Ушбу ҳафталик доирасида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон маданий меросини асраш, ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича бутунжаҳон жамиятининг III халқаро конгресси, Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний но-

мидаги Шарқшунослик институтида Ўзбекистоннинг ёзма мероси дурдоналари кўргазмаси, Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида “Далварзин олтини: Кушон империяси ва унинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” кўргазмаси, Самарқанд шаҳрида дунё халқлари либосларини тақдим этувчи “Энг яхши миллий либослар” танлови ҳамда Термиз шаҳрида “Ўзбекистон — тамаддунлар чорраҳаси” номли халқаро археология форуми ҳам ўтказилади.

Эътиборлиси, бу тадбирларда халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг бош директори Одри Азуле илк бор қатнашади.

Матбуот анжуманида фестивал ва конференцияларнинг ўтказилишига масъул ташкилотлар вакиллари журналистларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб беришди.

**Сайёра РИХСИЕВА, “Маданият” газетаси муҳбири**

Давоми. Боши 1-саҳифада

**Хунармандлар шахрига марҳабо!**

Қўқон азалдан миллий хунармандчилик маскани сифатида ном қозонган бўлиб, бу боқий қадриятлар авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Ёшлар ёғоч ўймакорлиги, пичоқчилик, қандакорлик, темирчилик сингари қадимий хунарларни кунт билан ўрганмоқда. Айни пайтда соҳани ривожлантириш, туризм йўналишларини кўпайтириш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинди. Масалан, шаҳарда хунармандчилик ва туризм мажмуасининг қурилиши якунланиш арафасида. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва “Хунарманд” уюشمаси томонидан “Уста-шогирд: Қўқон тажрибаси” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Шунингдек, фестивал доирасида “Хунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида илмий-амалий конференция, хунармандларнинг кўрик-танлови бўлиб ўтади. Иштирокчиларнинг маҳоратларини баҳолаш учун ташкилий қўмита томонидан етти кишидан иборат халқаро ҳайъат тузилади. Унинг таркибига юқори малакали мутахассислар, таниқли санъат ва маданият арбоблари, олимлар, тадқиқотчилар, амалиётчилар, шу билан бирга, иштирокчи давлатлардан тегишли соҳалар намояндалари таклиф этилади. Кўрик-танлов ишти-



рокчилари ўз маҳсулотлари кўргазмаси ва маҳорат дарслари давомида “Энг яхши хунарманд”, “Энг ёш хунарманд”, “Энг яхши хунармандчилик мактаби устаси”, “Қадимий сулола давомчиси” ва “Қадимий хунармандчилик турини тиклаган хунарманд” каби бешта номинация бўйича баҳоланади.

Фестивал дастури 6 кунга мўлжалланган бўлиб, унда хорижий ва маҳаллий хунармандларнинг кўргазма-савдоси, кўрик-танлов, маҳорат дарслари, илмий-амалий конференция ҳамда фольклор-этнографик гуруҳларнинг чиқишлари, миллий либослар кўргазмалари, турли халқ ўйинлари, театр томошалари, анъанавий кураш, чавандозлик, кўйибанқозлар ҳамда маҳаллий дизайн-нерларнинг модалари, палов тайёрлаш,

ўзбек анъанавий мусиқа ва рақсларидан иборат концерт намоиши кўзда тутилган.

Асосий тадбирлар Художон ўрдаси ва унга ташан Қўқон шаҳридаги марказий истироҳат боғида бўлиб ўтади. Шу сабаб, худуд хунармандлар шаҳарчалари ва ўтмишни ифодаловчи тарихий декорациялар билан безатилмоқда. Қўқон шаҳридаги марказий майдон ёнида хунармандчилик санъати оид турли кўргазмалар, хунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, қадимий дастгоҳлар ва маҳсулотлари яратиб жараёнлари, соҳага оид бадиий ҳамда ҳужжатли фильмлар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намоиши ва уларнинг савдоси ташкил этилади.

Хуллас, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказилаётган халқаро хунармандчилик фестивали шу йўналишдаги ишларнинг янги bosқичдаги давомидир. Ушбу тадбир ўзбек миллий хунармандчилигини дунё аҳлига намоиш этиш, унинг ноёб намуналарини халқаро миқёсда тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этши шубҳасиз.

**Нилуфар КАРИМОВА, Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази бўлим mudiri**



Кўрик-танлов

## Йилнинг энг фаол кутубхоначиси



16 август куни Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонасида "Йилнинг энг фаол кутубхоначиси" кўрик танловининг 1-босқичи бўлиб ўтди. Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси ташаббуси билан ўтказиб келинаётган бу тадбирда барча туман кўзи ожизлар кутубхонаси мутахассислари тўртта шарт бўйича беллашишди.

Хонқа тумани кўзи ожизлар кутубхонасининг кутубхоначиси Дилноза Ибрагимова 90 балл билан биринчи ўринни, Хива туманидан Замира Айтбоева 89 балл билан иккинчи ўринни, вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси етакчи мутахассиси Дилрабо Фахриддинова 88 балл билан 3-ўринни қўлга киритди. Ғолиблар вилоят

кўзи ожизлар кутубхонаси фахрий ёриқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. 1-ўрин соҳиби кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

**Ф.САИДНАЗАРОВА,**  
Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси методика-библиография бўлими методисти.

Олий таълим

## Имтиҳонлар суҳбат асосида ўтказилди




Президентимизнинг 2019 йил 17 июндаги "2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги қарорига асосан, вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмаларининг (иш

берувчилар) эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ОТМларда кундузги таълим шаклининг бакалаврият таълимига мос бўлган йўналишлар доирасида табақалаштирилган тўлов-контракт асосида сиртки ва кечки таълим шакли ҳам йўлга қўйилиши назарда тутилган.

Бунга кўра бакалаврият таълим йўналишларининг сиртки бўлимига қабул камида беш йил иш стажига эга бўлган ходимларга тегишли иш берувчилар томонидан берилган тавсияси асосида кейинчалик ушбу тизимда беш йил ишлаб бериш шarti билан суҳбат асосида ўтказилиши белгиланган. Ўзбекистон давлат консерваториясида ҳам сиртки бўлимлар очилиб, 13 августдан имтиҳонлар суҳбат тарзида ўтказила бошланди.

17 август куни халқ чолғулари йўналиши бўйича сиртки бўлимда ўқиш истагини билдирган 126 нафар абитуриент суҳбатдан ўтказилди.

Кутубхоналар тарихидан



## Маданият ва маърифат тарғиботи маскани

Халқимиз қадим-қадимдан китобни мўъжиза, ҳаёт дарслиги деб эъзозлаган. Маънавий тафаккур, хазиналар маскани — кутубхонага эса аجدодларимиз ҳам ҳурмат ва эътибор билан қарашган.

Кутубхона сўзи арабча кутуб — "китоблар", хона — форсча "уй" сўзларидан олинган бўлиб, китоб ва ҳужжатлар сақланадиган жой деган маънони билдиради. Маълумки, кутубхоналар қадим-қадимдан инсонлар учун маънавият ва маърифат ўчоғи бўлган, инсон зоти доим китобларга интилиб яшаган. Фақат кутубхоналар тўғрисида қадимги қўлёзмалар, босма китоблар, тарихий шахслар ҳақидаги манбалар бизгача етиб келган ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон ҳудудида илк кутубхоналар миллоддан аввалги I минг йилликнинг сўнгги асрларида пайдо бўлган. Буюқ соҳибқирон даврида китоблар тенгсиз бойлик сифатида қўриқланган ва Самарқанд шаҳридан китобларни олиб чиқиб кетish ман этилган. Амир Темур аввал ватани Шаҳрисабзда, сўнг мамлакат пойтахти Самарқандда сарой кутубхонасини ташкил қилди. Бу сарой кутубхонаси учун бутун Мовароуннаҳр китобфурушлари ва шахсий кутубхона эгаларидан машҳур муаллифларнинг бежирим безатилган китоб нусхалари сотиб олинди. Кутубхонада қўлёзма кўчириш, китобларни безатиш ишларини миллий китоб санъатининг моҳир усталари олиб борганлар. Самарқандга араб, форс, турк, санскрит, юнон, лотин, арман тилидаги кўплаб бебаҳо қўлёзмалар Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Ироқ, Арманистон каби давлатлардан, Стамбул, Брюссель, Исфохон, Ҳаммадон, Шероз, Бағдод, Басра,

Дамашқ каби қадимий маданият ўчоғи бўлган шаҳарлардан олиб келинган эди.

Олимларнинг тахминича, Амир Темур Самарқандга VIII асрнинг биринчи чорағида айнан Басрадан Куйфий хати билан кўчирилган Куръони Каримнинг нусхасини олиб келган. Амир Темур кутубхонасидан фақат сарой вакилларига эмас, балки муайян гуруҳдаги китобхонлар ҳам фойдаланганлар. Кутубхонадаги китоблар фан соҳалари бўйича рўйхатга олиниб, сандиқларда сақланган. Бу тартиб китобларни ҳисобга олиш учун эмас, балки фойдаланиш осон бўлиши учун ҳам ўрнатилган.

Соҳибқирон Амир Темурдан сўнг унинг ноёб кутубхонаси набираси Улуғбекка (1394-1449) мерос бўлиб қолган. Тахмин қилишларича, Улуғбек йиққан китоблар хазинаси Пергам қўлёзмаларидан бошланган, Темур Пергам шахрини босиб олганида, қўлёзмаларни ҳам қарвон билан Самарқандга олиб келган. Кутубхона Улуғбек даврида бетиним бойиб борган. Мирзо Улуғбек жуда билимли бўлиб, ўз кутубхонасида соатлаб мутула билан машғул бўлган. Кутубхонада юнон файласуфлари — Платон, Гиппократ, Птоломей, Аристотель асарлари тўпланган ва яхши сақланган эди. Шунингдек, бу ерда ватандошларимиз — буюқ олим Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг алгебрага доир машҳур рисоласи, Абу Райҳон Берунийнинг

"Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" ва "Астрономия қалити" номли асарлари, Ал-Баттонийнинг астрономик жадваллари, Абу Али ибн Синонинг "Тиб қонунлари" рисоласи бўлган.

Мирзо Улуғбек ўқиб чиққан китобларидан ўз асарларига иқтибослар олган. Мана шу олимларнинг асарлари бу кутубхонанинг қанчалар бой бўлгани ҳақида маълум бир тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Кутубхонада филологик ишлар ҳам олиб борилган. Фирдавсийнинг машҳур "Шоҳнома" достонининг мукамал матни шу ерда тузилган бўлиб, мазкур қўлланмада йиғирмата катта ажиб миниатюра мавжуд.

Кутубхона устахонасида яна бир дурдона масаллар мажмуаси — "Қалила ва Димна" ҳам кўчирилган.

Қадимги манбалардан бизга маълумки, Ўрта Осиё тарихи, маданияти, фани ва санъати жаҳон цивилизациясида салмоқли ўринни эгаллайди. Ўзбекистон ҳудудида қўлёзма китоблардан ташкил топган кутубхоналар араб истилосидан анча олдин ҳам мавжуд бўлган. Хулоса қилиб айтганда, юртимизда жуда қадимдан кутубхоналардан илм олувчи зиё маскани сифатида фойдаланиб келинган.

**Жалолiddин НУРФАЙЗИЕВ,**  
**Ғайрат ШОХДОРОВ,**  
Сурхондарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходимлари

Вилоят театрлари фаолиятдан

## Сирдарё ижодкорлари байрам тараддудида



Сирдарё вилояти муסיқали драма театри ижодкорлари 45-мавсум очилиши ва мустақиллигимизнинг 28 йиллигига катта тайёргарлик кўришмоқда. Шу билан бирга Гулистон шаҳридаги байрамолди тадбирларида фаол иштирок этишяпти.

Театр ижодкорлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зулфия Эшмуродова ҳамда Раъно Юнусовалар 14 август куни Гулистон шаҳридаги "Тараққиёт" маҳалласида ўтказилган "Сиз севган қахрамон" номли ижодий кечада иштирок этишди. Қизиқарли суҳбат тарзида ўтказилган ушбу тадбирда актёрлар ижро этган спектакллардан лавҳалар ва ариялар мухлисларнинг олқшига сазовор бўлди.

Шу куни театрнинг бир гуруҳ ижодкорлари Бахт шаҳридаги Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассаси тарбияланувчилари ҳузурда Нурулло Аббосхон қаламига мансуб "Инсон ўзинг..." спектакли билан меҳмон бўлди.



16 август куни театр жамоаси Мирзаобод тумани сари йўл олди. Бу ерда Тошкент вилоятининг 532-сонли сафарбарлик қақирув резерви хизматчилари эътиборига Нурулло Аббосхоннинг "Инсон ўзинг..." спектакли намойиш этилди. Ушбу спектаклни томоша қилган ўқувчилар ҳам, ҳарбий аскарлар ҳам бир олам таассуротларга эга бўлишди. Спектаклдан сўнг сўзга чиққан батальон командирининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, полковник Сўхроб Сулаймонов ижодкорларга бутун батальон номидан ташаккур билдириб, муваффақиятлар тилади. Ҳарбийлар бир овоздан театр жамоасининг ижодий фаолиятига омад ва улкан зафарлар тилаб қолишди.

17 август куни театр жамоаси мамлакатимиз бўйлаб ташкил этилган умумхалқ хайрия ҳашарида фаол қатнашишди. Улар ўзлари фаолият юритаётган масканин ободонлаштириш ва тозалов ишларини бажариб, кундан кунга чирой очиб бораётган Гулистон шаҳрининг содаллиги учун муносиб ҳиссасини қўшишди.



Халқаро фестивалъ

**“Шарқ тароналари”нинг логотипи тасдиқланди**



Ўзбекистон Бадий академияси ва республика “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси томонидан 26-30 август кунлари Самарқандда ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг янги логотипи тасдиқланди. Айни пайтда Самарқанд шаҳрининг фестивалнинг ушбу янги рамзи билан безатиш ишлари олиб борилмоқда.

Маълумотларга кўра, бу йил фестивалда дунёнинг 78 давлатидан 300 дан ортиқ хорижлик меҳмонлар қатнашиш истагини билдирган. Иштирокчиларнинг асосий гуруҳлари 25-26 август кунлари Самарқанд темир йўл вокзалида тантанали кутиб олинади.

Мазкур халқаро мусиқа фестивали бу йил ўн иккинчи бор ўтказилмоқда.



Умумхалқ ҳашари

## Эзгу анъаналарнинг амалдаги ифодаси

17-18 август кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазиригининг барча ташкилотлари, муассасалари ходимлари ҳам фаол иштирок этишди.



Ҳар йили Ватанимиз мустақиллиги байрами арафасида ўтказилувчи умумхалқ ҳашари эзгу анъаналарнинг амалдаги ёрқин намунасидир. Бу тадбир ўзимиз яшаб турган ва фаолият олиб бораётган барча ҳудудлар — маҳаллалардан то ишхоналар, гузарлар, кўчалар, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ ва қабристонларгача тартибга келтиришга, жамиятда ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини, бегараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни тобора мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилади.

Бу йилги умумхалқ ҳашари юртимиздаги барча маданият даргоҳларининг ҳам янада обод ва файзли бўлишида ўзига хос хайрли тадбир вазифасини ўтади.

## Маданият ходимлари фаол қатнашишди

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги фармойишига асосан 17-18 август кунлари Ўзбекистон давлат филармонияси Навоий вилоят бўлинимасининг ижодий ва техник ходимлари томонидан бўлима биноси ички ва ташқи ҳовлисида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ташкил этилган хайрия ҳашарида вилоят маданият бошқармаси ҳамда намунали мақом ансамблининг аъзолари ҳам фаол иштирок этишди.

Мозийдан садо



## Бибиона — ноёб археологик ёдгорлик

Наманган вилоятидаги “Буванамозор” — Бибионамозор зиёратгоҳи Чуст маданияти номи билан ЮНЕСКО ҳимоясига олинган. Чуст шаҳрининг шимолида жойлашган ушбу археологик ёдгорликдан топиладиган сопол буюмлар, турли меҳнат қуролларининг муляжлари Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи тарих бўлими экспозиция залида кенг намойиш этилмоқда.

Башариёт тарихининг ибтидоий босқичлари вужудга келган илк деҳқончилик маданияти ҳақида гап кетганда жаҳон олимлари Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудини ҳам тилга олишади. Бунга асосий сабаблардан бири Чуст маданиятидир. Бу маданият эса айнан юқорида тилга олинган зиёратгоҳ билан боғлиқ.

Мазкур манзилгоҳ 1950 йилда таниқли археолог М.Э.Воронец томонидан кашф этилган. 1951-1961 йилларда археолог В.И.Спришевский томонидан ўрганилиб, у ердан 196 та бутун сақланган кулолчилик буюмлари ҳамда 200 га яқин сопол парчалари топиладиган. 1974 ва 1982 йилларда тарих фанлари доктори, Ю.А.Заднепровский, 1982-1984 йилларда тарих фанлари доктори, профессор Аҳмадали Аскарров раҳбарлигида бир неча олимлар томонидан ўрганилган бу масканда 600 дан ортиқ меҳнат ва ишлаб чиқариш қуроллари, уй-рўзгор буюмлари — тошдан ясалган болталар, сопол хумлар, сопол парчалари топиладиган. Сопол идишлар қизил бўёқли ва сайқалланган бўлган.

Бибиона манзилгоҳининг хронологик санасини М.Э.Воронец милoddan олдинги III-II минг йилликлар, А.Н.Бернштам эса эрамыздан олдинги II минг йилликлар деб белгиллаган. Машхур ўзбек археолог олими, академик Я.Гуломов эса милoddan аввалги II минг йилликларнинг охири — I минг йилликларнинг дастлабки асрлари деб кўрсатган.

Мана шу тарихий хулосаларга асосланган бўлса, зиёратгоҳ 2800-3000 йиллик тарихга эга. Археолог В.И.Спришевский Бибионадаги бронза асрига оид турар-жой ва қабрларни қазиб, анчагина уй-рўзгор ашёлари, сопол идишлар, ибтидоий кишиларнинг суякларини топиб текширган. У Бибиона ёдгорлигини кичкина кишлоқ деб ҳисоблаган. Уша вақтда Я.Гуломов ҳам шу фикрда бўлган. Аммо кейинги тадқиқотлар натижасида Бибиона кишлоқ эмас, шаҳар бўлгани, дастлабки Чуст шаҳри эканлигини қайд этганлар.

Буванамозордаги қадимий булоқ сувига ҳам илоҳий неъмат дея қарашган. Қадимги деҳқонлар ана шу булоқ атрофида яшашган. Бу кишлоқ ва айрим тадқиқотчилар фикрларини умумлаштириб, Чуст шаҳрининг ёши 3500 йил деб кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки аввал билдирилган фикрларнинг барчаси тахминий, умумлашмадир. Буни археологик мутахассис В.И.Спришевский ҳам: “Чуст шаҳри эрамыздан 2 минг йил илгари ёки бундан 3500 йил илгари қайноқ ҳаёт кечирган шаҳардир. Қазимша

ишлари давомида топиладиган бугдой, арпа, сули уруғлари ҳамда тегиримон тошлари маҳаллий халқнинг ўша даврда ўтrock ҳаёт кечирганидан далолат беради”, — дея тасдиқлайди.

Вилоятимиз ҳудудидаги мавжуд археологик ёдгорликларда қадимги турар жой макони шаҳарми, кишлоқми, мазорми, қаер бўлишидан қатъи назар, қазимша ишлари жараёнида энг аввало сопол парчаларига дуч келинади. Сопол идишлар тайёрлаш жамият тараққиётининг бронза асрида (милoddan аввалги III минг йилликдан I минг йилликнинг ўрталаригача) янада такомиллашиб, бу даврга мансуб манзилгоҳлар илк бор Хоразмда, қуйи Зарафшон ва Фарғона водийсида топиладиган. Чунки, биз сўз юритиётган Чуст шаҳри яқинида жойлашган Бибиона археологик ёдгорлигини илмий ўрганиш вақтида кулолчилик чархидан фойдаланиб ясалган сопол идишларнинг 35 хил шаклга эга бўлган кўплаб намуналари топилади ва “Чуст маданияти” номи билан тарихга кирди.

**А.ГАНИЕВ,**  
Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи бўлими мудири  
**Э.ҚОРАБОЕВ,**  
катта илмий ходим





Умумхалқ ҳашари

Андижонда байрам тардудди



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллиги байрами олдидан 17 август куни Андижон вилоят маданият бошқармаси ҳамда унинг тасарруфидаги муассасаларида умумхалқ ҳашари ташкил этилди.

Тадбирда бошқармага қарашли театрлар, музей, филармония, кўзи ожиз-

лар кутубхонаси ходимлари, шунингдек, шаҳар, туман маданият бўлимлари ҳамда маданият марказлари, болалар муסיқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган санъат мактаби муסיқага ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 680 нафардан зиёд ишчи ходимлари иштирок

этиб, ободонлаштириш ва тозалов ишларини амалга оширдилар. Ушбу муассасалардаги ер майдонларига гуллар экилди, дарактлар оқланди. 1,2 километрдан зиёд узунликдаги ариқлар тозаланди.

Шунингдек, муассасалар ҳудудлари байрамга мос тарзда безатилди.

Мустақиллигимизнинг 28 йиллигига

# Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!



Андижон вилояти Избоскан туманидаги Жанобод кишлоғи маҳаллаларида “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” шиори остида “Ватан манфатини дилингга жо қил” деб номланган санъат кўрик-фестивали бўлиб ўтди. Мустақиллигимизнинг 28 йиллигини муносиб нишонлаш ҳамда Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида ташкил қилинган ушбу тадбирни туман ҳокимининг ўринбосари Фахриддин Жўрабоев очиб берди.

Фестивалда “Ўртоқлар” фольклор жамоаси, “Гулдаста” ашула ва рақс ансамбли, 16-, 23-, 32-, 34-мактабгача таълим муассасалари, 3-, 9-, 16-, 23-умумий ўрта таълим мактабларининг муסיқа маданияти фани тўғрақ аъзолари куй-қўшиқлар ва рақслари билан

фаол қатнашдилар.

18 август куни эса мазкур мавзудаги кўрик-фестиваль туман маданият марказида ўтказилди. Унда 1- ва 4-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари, 6-болалар муסיқа ва санъат мактаби ўқувчилари, 1-, 5-, 3-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари муסיқий чиқишларини маданият бўлими ходимларидан иборат ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этдилар.

Тадбирда соҳа фахрийлари — хонанда Комилжон Кўчқоров ва раққоса Озода Абдуғофуроваларнинг иштироки барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Мазкур фестивалнинг якуний қисми ва голибларни тақдирлаш маросими 28 август куни тумандаги “Пойтуғ” маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтади.

Халқаро фестивал

## Рақс сеҳри



Жорий йилнинг 14-16-сентябрь кунлари Хива шаҳридаги “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонаси ҳудудида “Рақс сеҳри” халқаро фестивали ўтказилди.

Хоразм вилояти туризми ривожлантириш департаменти матбуот хизматининг маълум қилишича, унда Ўзбекистон ҳамда хорижлик санъаткорлар бадий чиқишлари билан иштирок этади.

“Рақс сеҳри” халқаро фестивали ўзига хос миллий рақс санъатини дунёга кенг тарғиб қилиш ва арттуризми янада ривожлантириш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этиб келинмоқда. Бу йилги тадбирда Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари ҳамда 20 дан ортиқ хорижий давлатдан келган бадий рақс жамоалари, шунингдек, санъаткорлар, олим ва тадқиқотчилар қатнашди.

Фестиваль доирасида рақс усталари томонидан маҳорат дарслари, ижодий учрашувлар, фольклор гуруҳлар ва ансамблларнинг чиқишлари, анимацион шоулар, кўғирчоқ театрлари томошалари, ҳунармандлар кўргазмалари, миллий таомлар ва миллий либослар кўргазмалари, миллий халқ ўйинлари бўйича мусобақалар, тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси ҳамда “Ўзбекистон рақс санъати тарихи” фотокўргазмаси ташкил этилади.

Эшлар — келажакимиз

## Навбахорда “Ташаббуслар хиёбони”

16 август куни Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги Кескантерак маҳалла фуқаролар йиғинида эшларимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, эшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, юртимиз эшлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш мақсадида “Ташаббуслар хиёбони”нинг очилиш маросими бўлиб ўтди.



Тадбирда вилоят ҳокими К.Турсунов иштирок этиб, барчани янги хиёбоннинг очилиши билан қутлади. Маросимдан сўнг ташриф буюрганларга Ўзбекистон давлат филармонияси вилоят бўлинмаси, маданият бошқармаси, “Ўзбекконцерт” ДМ, вилоят намунали мақом ансамбли ҳамда Навбахор туман маданият бўлими билан ҳамкорликда катта концерт тақдим этилди.

Вилоятда ижод қилаётган эстрада хонанда ва созандалари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Халқаро маданий алоқалар

## Бухоролик актёрлар Рязанда

Бухоро вилояти маданият бошқармаси бошлиғи Ю.Генжаев бошчилигидаги вилоят муסיқали драма театрининг бир гуруҳ ижодкорлари 14-18 август кунлари Россия федерациясининг Рязань вилоятида бўлиб ўтган “Театрлар куни” да драматург Зулхумор Солиеванин “Бухороча тўй қиламан” (“Свадьба по бухарски”) комедияси билан иштирок этишди.

Спектаклни йиғилганлар катта қизиқиш билан кутиб олишди. Рязань вилояти маданият бошқармаси томонидан Бухоро вилояти муסיқали драма театрига “Ташаккурнома” тақдим қилинди.



Ташриф

## АҚШ элчиси Жиззах музейи меҳмони

20 август куни Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги мухтор элчиси Дэнниел Розенблум Жиззах вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг Шароф Рашидов ёдгорлик филиалига ташриф буюрди.

Дэнниел Розенблум музейга ташрифи чоғида ўзбек халқининг атоқли фарзанди, ёзувчи Шароф Рашидовнинг Ўзбекистоннинг ривожига қўшган ҳиссасини мамнуният билан эътироф этди.

АҚШнинг мухтор элчиси музейнинг таассуротлар китобига “Музейдаги ажайиб саёҳат учун катта раҳмат, Шароф Рашидов жуда бетақрор, самимий ва истисодли одам бўлган. У расом ёки ёзувчи бўлиши мумкин эди, бироқ у сиёсий ҳаёт ва сиёсатни танлади. Унинг ҳаёти ҳақида билганимдан бахтиёрман” дея ўз фикр-мулоҳазаларини эътибор қолдирди.





Театрлар фаолиятдан

**33-мавсумнинг  
илк спектакли**




Театр жонли санъат, унинг таъсири ва ҳаяжонли тўлқинлари кўнгилларни ўзгача завққа, бетакрор туйғулар уммонига тўлдиради. Ўзбекистон давлат сатира театри барча ихлосмандларни 7 сентябрь кунги 33-мавсум очилишига таклиф этади.

Шу кун театр ижодкорлари рус ёзувчиси Николай Гоголнинг пьесаси асосида режиссёр Элдор Йўлчибоев

сахналаштирган “Уйланиш” спектаклини намоиш этади.

Шунингдек, ижодий жамоанинг сентябрь ойидаги репертуаридан “Жамонат фикри” (А.Баранга асари, режиссёр — Т.Исроилов), “Сехрли курси” (Ф.Каринти асари, режиссёр — Ж.Рўзметов), “Соқов хотин” (Р.Муҳаммадзонов асари, режиссёр — М.Абдуллаева) каби спектакллар ўрин олган.

Хотира — азиз, қадр — муқаддас



# Тарих тилга кирганда

Ўртимиз мустақил деб эълон қилингандан кейин мамлакатимизда амалга оширилган хайрли ишлардан бири совет мустамлакачилиги йилларида бегуноҳ қурбон бўлган, ўтган асрнинг 30-50-йилларида “халқ душмани” сифатида қатагон қилинган ва шу сабабли номлари ўзбек халқи ҳамда маданияти тарихидан ўчириб юборилган сиймолар хотирасини абадийлаштириш орқали тарихий адолатни тиклаш бўлди.

Қатагон ҳақида фикр юригадиган бўлсак, XX асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмига келиб, собиқ тузум вакиллари мамлакатнинг ҳокимият бошқарувидора тизимида ҳам кескин ўзгаришларга қўл уришди. Шу йиллар охирида Сталин томонидан янги назарий қараш сифатида илгари сурилган “Социализм мустақамланиб боргани сари синфий душман қаршилиги ҳам кучайиб боради” деган ғоя ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг авж олишига олиб келди.

30-йилларнинг боши диндор ва эътиқодли кишиларга нисбатан зўравонлик, сиёсий қатагонликнинг чўққиси бўлди. Жуда катта миқдордаги ислом, христиан, будда динига тааллуқли асарлар йўқ қилинди. Бу даврда Ўзбекистондаги диндорлар, улаомларнинг асосий қисми қамоқ лагерларига жўнатилди. Ўтмишда нафақат диний русумлар адо этадиган, балки, маданият, фан, тарбия, санъат марказлари, халқнинг кўп асрлик меросини сақловчи бўлган масжид ва мадрасаларнинг деярли барчаси ёпиб қўйилди, айримлари бузиб ташланди. Бутун республиканинг ҳаёти марказинг қаттиқ назорат остига ўтди. Партия директиваларидан ҳар қандай чекинши аксилинқилобий, сиёсий муҳолифат деб белгиланди.

1934 йил мартда Ташкентда Ўзбекистон ёзувчиларининг съезди бўлиб ўтди ва унда Республика Ёзувчилар иттифоқи

ташкил қилинди. Шу даврдан ўзбек ёзувчиларининг номлари жаҳонга кенг ёйила бошлади. 30-йилларда кучайган маъмурий буйруқбозлик тизими ва шахсга сизиниш мафқураси ижод аҳлини, қолаверса, республиканинг маданий ҳаётини юксалишига тўсқинлик қилиб, ижодни партиявийлик ва ягона коммунистик мафқурага бўйсундирилишига кенг йўл очди. Партия томонидан янги ҳаётни куйлашга бўлган қақриқ ва мажбурий нормалар ижодий жараёнда тарихий ўтмишнинг унутилишига олиб келди. Миллий маданият қаттиқ жоғида дучор қилинди. Инсон ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилиш кучайди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Шокир Сулаймон, Зиё Саид, Элбек, Усмон Носир, Қосим Сорокин каби қобилиятли адабиёт ва санъат вакиллариининг асарларини ўқишдан жамоатчилик узоқ вақт маҳрум бўлди.

40-йиллар охирида фан ва маданият ходимларини қатагон қилишлар давом этди. Марказий кўмитанинг 1946 йилдаги “Звезда” ва “Ленинград” журналлари ҳақида”ги қарорлари қатагонлар янги тўлқинининг ғоявий асоси бўлиб хизмат қилди. Ёзувчи ва шоирларнинг асарларида ўрта аср ва инқилобгача бўлган даврдаги халқ тарихини ва маданиятини бадиий тасвирлаш ўтмишнинг кўмсаши, идеаллаштириш деб айбланди ва уларга “миллатчи” деган тамғалар ёпиштирилди,

шу йилдан бошлаб жамиятшунос олимлар пантуркизмни ташвиқот қилишда айбланиб, таъқиб қилинди. Қатагон қилинган санъат, фан ва маданият арбоблари ривожланган мустақил тузум даврида ҳам ҳуқуқсизлик қурбони бўлдилар.

Бу даврда ўзбек адаблари, шоирлари ижоди ҳам доимий суръатда совет мафқурасининг диққат-эътиборида бўлган. Шу боис уларнинг ҳар бир асари, бадиий маҳсулот

**1937 йил 30 июлдан 1938 йил ноябрга қадар 1,5 миллион киши қамоққа олинган, шундан 700 минг отиб юборилган. Қатагоннинг қаҳрли тиги жамият аъзоларининг барча тоифаларини ўз домига тортган. Ўзбекистонда эса 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача ўн минг етти юз киши қамоққа олинган. Булардан уч минг олти юз ўн уч киши қатл этилди, етти минг саксон етти киши саккиз-ўн йил муддатга қамоққа ташланди.**

расмий цензуранинг қатъий назорати олинар, текширувдан сўнггина нашрга тавсия этиларди. Борди-ю ҳақиқат ғояси билан сугорилган баъзи асарлар босилиб чиққудай бўлса, у ҳолда уларнинг муаллифлари-ю, муҳаррирлари бунинг учун жавоб беришлари керак эди.

Масалан, 60-йилларда таниқли шоир Эркин Воҳидовнинг биргина “Ўзбегим” шеъри муаллифга қанчалик бесаранжомлик, ҳаловатсизлик келтиргани бунга ёрқин мисол. Ёки атоқли адиб Пиримқул Қодировнинг миллий тарихимизнинг номдор вакили, шоир ва адиб, давлат арбоби, моҳир саркарда З.М.Бобур ҳаёти ва фаолиятдан ҳикоя қилувчи “Юлдузли тунлар” романи ҳам “феодал ўтмиш намоюдаси тисмолини акс эттирувчи асар” сифатида кескин қораланди. Ваҳоланки, бу даврда кўплаб хорижий мамлакатларда бу буюк тарихий сиймо тўғрисида сон-саноксиз тарихий ва бадиий асарлар битилган эди.

Октябрь тўнтариши оқибатида Туркистонда зўрлик билан ўрнатилган собиқ иттифоқ тузumi биринчи кундан бошлаб халқларимиз бошига сон-саноксиз қиргинлар, даҳшатли ва аламли кулфатлар олиб кел-

ди. Бу даҳшатли режимни ўлкамиз халқлари қабул қилмадилар. Улар истиқлол учун, эрк ва миллий-озодлик учун 16 йил мобайнида қуролли кураш олиб бордилар. Бу кураш давомида, айрим манбаларга кўра, 1 миллион 900 минг ватандошимиз Туркистондан бош олиб, хорижий мамлакатларга чиқиб кетди ва 1 миллион 700 минг юрдошимиз Сибирга, Узоқ Шимолга, Украинага, Шимолий Кавказга, Уралга, Қозоғистонга, Узоқ Шарққа, Кавказга, Волга бўйи районларига бадарга қилинди.

Уша йиллари аҳолининг барча қатламлари қатагон гирдобига тушган. Қатагон аввало зиёлилар, дин хизматчиларига қарши қаратилган эди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси тузилди. 2000 йил 12 май кун Ташкентнинг Юнусобод туманида барпо этилган “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуининг тантанали суратда очилиши мамлакат ва халқнинг ижтимоий, маданий ва маънавий ҳаётида улкан воқеа бўлди, қисқа муддатда мазкур мажмуа табаррук зиёратгоҳлардан, ёш авлодларни ватанпарварлик ва миллатпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган масканлардан бирига айланди.


Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2001 йил 1 майдаги “Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги Фармони асосида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуида “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи барпо этилди. Музей 2002 йил 31 августда – мамлакатда илк бор нишонланган “Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини”дан тантанали равишда очилди.

**И. КАРИМОВ,  
Р.ПУЛТАТОВА,  
Наманган вилоят тарихи  
ва маданияти давлат музейи  
илмий ходимлари**



Концерт


Хивада яна бир шодиёна



14 август куни Хива шаҳрида Хоразм вилоят кўғирчоқ театри “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон” шиори остида навбатдаги концертини намойиш этди. Шаҳарнинг тарихий маркази — Ичан қалбадаги “Ота дарвоза” ёдгорлиги олдида театр санъаткорлари ижросида ватан мавзусидаги кўшиқлар янгради. Шундан сўнг томошага таширф

буйрган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар ҳамда шаҳар аҳолиси, жумладан, болажонлар учун театр репертуаридан ўрин олган “Хива лазгиси” спектакли намойиш этилди.

Концертнинг қизиқарли ўтишида театр актёрлари — Д.Исмоилов, Д.Отахонов, М.Машарипов, У.Аллаберганов, А.Тиллаевалар алоҳида фаоллик кўрсатдилар.



Кўрик-танлов

# Ғолиблар тақдирланди



20 август куни Термиз шаҳридаги Магбуот уйида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган “Энг улуг, энг азиз” анъанавий республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу танлов мустақиллигимизнинг 28 йиллиги муносабати билан “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл

омон!” ғояси асосида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси ҳамда Журналистлар ижодий уюммаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси вилоят бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг вилоят

ҳудудий бошқармаси, Сурхондарё телерадиокомпанияси, Термиз шаҳар ҳокимлиги маънавият ва маърифат, маданият бўлимлари вакиллари, тасвирий ҳамда кино санъати намояндалари фаол қатнашишди. Тадбир дебючасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар

агентлиги Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси раҳбари Сирожиддин Саломов сўз олиб, кўрик-танлов ғолибларини табриклади. Шундан сўнг бешта номинация бўйича ғолибларга эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди. Тадбир давомида элимиз ардоғидаги санъат усталарининг концерти ҳам намойиш этилди.

Эълон

## “BEST AUKSION SAVDO”

масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

1. 2019 йил 23 сентябрь куни соат 11:00 да ташкил қилинадиган савдоларга Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Махсус Автокорхона” ДУК нинг 15.08.2019 йилдаги № 52-сонли буюртмасига асосан банк ҳисобидида қуйидаги автотранспорт воситалари алоҳида ЛОТ тартибида чиқарилмоқда. 1. Бошланғич баҳоси 12 069 000 сўм, 1987 йилда и/ч, д/р 01 868 ТАА бўлган “ЛИАЗ” 10042 русумли махсус автобус. 2. Бошланғич баҳоси 14 427 000 сўм, 1989 йилда и/ч, д/р 01 971 ТАА бўлган “УРАЛ” 43202-1011 русумли махсус а/в. 3. Бошланғич баҳоси 159 781 000 сўм, 2004 йилда и/ч, д/р 01 878 ТАА бўлган “Мерседес Бенц” русумли энгил (седан) а/в.

### ТАЛАБГОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Аукцион савдоси ўтказилмаган мулк бўйича тақрорий аукцион савдоси 2019 йил 3 ҳамда 10 октябрь кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари: 2019 йил 23 сентябрь кунидида савдо учун 20 сентябрь, 3 октябрь кунидида савдо учун 2 октябрь, 10 октябрь кунидида савдо учун 9 октябрь кунига қадар (байрам ва дам олиш) кунларидан ташқари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар аукцион ташкилотчиси билан тузиладиган закатат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизи миқдоридида закатат пуллари ни тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан давлат паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдо ғолиби бўлган талабгорлар аукцион ташкилотчисининг ҳисоб рақамига мулк сотилиш нархининг 3,0 (уч) фоизи миқдоридида комиссия йиғимини ҳамда қўшимча хизматлар учун тўловларини тўлаб беради.

Аукцион савдо ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закатат тўлови учун реквизитлар: “BEST AUKSION SAVDO” MChJ, х/р: 20208000500842710001, АТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 305300366.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан корхона ходими иштирокида жойига чиқиш танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун:

Манзил: Тошкент шаҳри А.Темур 1-топ кўчаси, 2-уй.

Тел: (99) 862-16-71, E-mail: bas\_savdo@mail.ru гувоҳнома № 576174.

Вилоят театрларида

## Мавсум “Тўмарис” билан бошланади

Жиззах вилояти мусиқали драма театри ижодкорлари айни пайтда театрдаги янги — 98-мавсумнинг очилишига кизгин тайёргарлик кўришмоқда.

Бу йилги мавсум Миркарим Осим қаламига мансуб “Тўмарис” спектакли билан бошланиши кўзда тутилган. Театр бош режиссёри Илҳом Норматов саҳналаштирган мазкур саҳна асари тез кунларда томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

Миржалол ШАЙЗОҚОВ, театр ёш актёри.  
Муаллиф олган сурат



Танлов

## “Энг улуг, энг азиз...”

15 август куни Андижон вилоят кўғирчоқ театрида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган “Энг улуг, энг азиз” анъанавий танлови вилоят босқичининг очилиш маросими ўтказилди.

Юртимизда ижод қилиб келаётган ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндалари, фото ва дизайн усталарини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилган мазкур танлов Ўзбекистон давлат филармонияси вилоят бўлимининг ашула ва рақс ансамбли томонидан тайёрланган концерти намойиш этилди. Хонандлар — Адҳамжон Абдулхаев, Аъзамжон Сул-

тонов, Муҳайёхон Тожимаматова, Нилуфар Каримова, Умида Абдурасулова, Санжарбек Омонов ва созандалар ижро этган куй-қўшиқлар 300 дан зиёд тадбир иштирокчиларига хуш кайфият улашиб, уларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Очилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Ўткирбек Шукуров сўзга чиқиб, тадбир механизмларини Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 28 йиллик байрами билан табриклади ва кўрик-танлов иштирокчиларига омадлар тилади.

Раҳимжон АХМЕДОВ,  
Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилоят бўлимининг директори



Танлов

## Билимдонлар масканида концерт

8 август куни Гулистон шаҳрининг А.Навоий номидаги “Билимдонлар маскани” да Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан концерт намойиш этилди.

Президентимиз илгари сурган беш ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида ташкил қилинган ушбу байрамда Янгйер шаҳридаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактаби жамоаси ўз куй-қўшиқларини тақдим этди.

Шунингдек, 9 август куни Янгйер шаҳар маданият маркази ҳамда 12 август куни Боёвур тумани маданият маркази жамоаси аҳолига ўзларининг концертини тақдим этишди.





ЖБМСМлар фаолиятдан

## “Истеъдод” қахрамонлари

14 август куни Жиззах вилояти телевидениесининг “Истеъдод” номли кўрсатуви Зомин туманидаги Даштобод шахрида фаолият олиб бораётган 4-болалар мусиқа ва санъат мактабига бағишланди. Вилоят маданият бошқармаси тасарруфидаги ушбу мактабда санъатга қизиқувчи ёшларга малакали ўқитувчилар сабоқ



беради. Ўқувчилар орасида вилоят ва республика миқёсидаги кўплаб кўриктанловларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келаётганлари кўп. Мактабда “Шўх қизлар” рақс дастаси тузилган. Ёш рақосалар хореография йўналиши бўйича Ж.Уойқуловдан рақс сирлари

ни ўрганиб келишмоқда.

Яқинда мактабнинг тасвирий санъат йўналиши 4-синф ўқувчилари — Диёр Ўришов ҳамда Низом Исроиловлар ўз ижод намуналари кўرғазмасини намойиш этишди. Уларга Хуршида Олтмишова тасвирий санъат сирларини ўргатиб келмоқда.

Кўрғазма

## Хоразмнинг дурдона битиклари



“Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонасининг коқ марказида жойлашган Матпанобой мадрасасида “Хоразмнинг дурдона битиклари” деб номланган кўрғазма очилди.

Бу ерда кишилик жамиятининг энг олий ихтироси — ёзув тарихи билан танишиш мумкин.

Мадраса усталар — Худойберган хожи ва Қаландар кўчим томонидан 1909 йилда қурилган. Унинг эшиги шарқ томонга қараган бўлиб, тепасида араб ёзувида “Муҳаммад паноҳ 1909 йил” деган сўзлар бор. Кираверишдаги дахлиз, шимол томондаги дарсхона, жануб томондаги масжид вазифасини бажарган хоналарда бугун ноёб ёзувли буюмлар, вақфнома, хон ёрлиқлари, хуснихат ва қозихат намуналари намойишга қўйилди.

Қўлёзмалар — тарихни батафсил ўрганишда бевоқиф ёрдамчи. Қозихатлар, вақфномалар, ёрлиқлар, китоблар ва мактублар тарихни, турли даврлардаги қизиқарли воқеаларни жонлантириб беради.

Маданий алоқалар

## Қизилўрда ижодкорлари Навоийда




14 август куни Қозоғистон Республикаси Қизилўрда вилояти филармониясининг бир гуруҳ вакиллари Навоий вилоятига ижодий сафар уюштиришди.

Ўзбекистон Республикасида Қозоғистон йили кунлари муносабати билан Қизилўрда вилояти филармониясининг симфоник оркестри, рақосалари, опера ижрочилари томонидан Навоий шахридаги “Фарҳод” маданият саройида ташкил этилган гала-концерт томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Азал-азалдан санъат ва маданият инсон тафаккури, маънавияти, қалбини тарбияловчи муҳим омил, халқлар ҳамда миллатлараро узилмас кўприк бўлиб хизмат қилган. Санъатта ошўфта қалблар бир-бирларини таржимонларсиз тушуна олишган ва бугунги кунда ҳам ушбу жараёнлар давом этиб келмоқда. Қардош республика вакиллари томонидан ижро этилган ўзбек куйи ва кўшиқлари, рақоса қизларнинг жозибдор рақслари яна бир бора чин санъат тил, миллат танламаслигининг яққол исботи бўла олди.

Музейлар фаолиятдан



# Бетакрор санъат тарихи

Хоразм мусиқа тарихи музейи Қози калон мадрасасида жойлашган. Қози калон мадрасаси 1905 йилда Хива хонининг бош қозиси Муҳаммад Салим Охун томонидан қурдирилган. Салим Охун 30 ёшида Хива хонининг бош қозиси мансабига кўтарилиб, ўзининг кучли билими ва иқтидори туфайли умрининг охиригача узоқ йиллар шу мансабда ишлаган.

Шаҳар кўчасига қараган мўъжазгина бу иншоот гарбий ва шарқий дарвозаларнинг кўндаланг ўқини бир-бири билан бирлаштириб туради. Мадрасанинг бурчак деворига ташки томондан тиргак сифатида тўртта гулдаста қурилган. Гулдаста оқ, кўк ва яшил қошин қопламалари билан безатилган. Баланд пештоқ остидаги кичикроқ дарвоза (ўйма эшик, кўш табақали) орқали усти ёпиқ учта гумбаз билан бостирилган миёнсаройга кирилади. Мадрасада иккита катта хона ва ўн олти хужра бор.

Бу ерда таълим уч босқичдан иборат бўлган: 1 — одно (бошланғич); 2 — асад (ўрта); 3 — аъло (олий). Талабалар тахсил давомида нафақа ҳам олганлар.

Қози калон мадрасасининг 1180 таноб вақф ери бўлган. У бошқа мадрасаларга қараганда хажм жиҳатидан кичик, лекин ўқитиш услуби билан ажралиб туради. Мадрасада диний, дунёвий билимлар билан бир қаторда фикх, яъни ҳуқуқий билимлар ўқитилган.

Хозир бу мадрасада “Хоразм мусиқа

тарихи” экспозицияси жойлашган. Экспозиция 1 асрдан то XX асргача бўлган мусиқа тарихини ўз ичига олади. Хоразм мусиқаси ўзбек мусиқаси тарихининг энг қадимий илдизидир.

Хоразм халқ мусиқаси асрлар давомида турли маданиятлар билан мулоқотда бўлган. Бу воҳода арий, сак, скиф, массагет, ўғиз, хваррий, сарт, қипчоқ, эфталитлар бирга яшаб, табиий офатларга, босқинчиларга қарши курашларда чиниқиб, ҳамкорликда бой хусусиятларга эга бўлган қадим санъат ва маданиятни яратишган. “Авесто” ҳам шу тарзда дунёга келган. Хоразм барча даврларда етти иқлим маданиятининг энг илғор ғояларини ўзлаштирган ва тараққий қилдирган юрт эканини С.П.Толстов ва Я.Ғуломов каби олимлар ўзларининг археологик қазилмалари ҳамда тадқиқотлари натижасида исботлаб беришган.

Бу юрт мусиқасининг ранг-баранглиги, оҳанглари ва доира усулларининг жозибдорлиги, мақом турларининг серқирралиги, дoston, суво-



ра ва халфа куй-қўшиқлари бетакрор, Хоразмнинг ўзигагина хосдир. Шу боисдан ҳам қўшиқларга, куйларга, мақомларга сайқал бериш, жило бериш бир сония ҳам тўхтамайди. Унинг ривожига дахлдор одамларнинг вақти-вақти билан дунёга келишининг ўзи бир мўъжиза. Акс ҳолда, мумтоз мусиқамиз, мақомларимиз парокандаликка маҳкум бўлар эди.

Экспозицияда Хоразм мусиқа санъатининг ривожига катта ҳисса қўшган давлат арбоблари, машҳур санъаткорлар, гўяндалар, бахши, халфа йўналишида мактаб яратган буюк инсонлар ҳақидаги тарихий ҳужжатлар ва ашёлар ўрин олган. Бу ерга ташриф буюқлар сайёҳлар музейни томоша қилиб, замонавий техник воситалар ёрдамида мумтоз куйи ва қўшиқлардан ҳам баҳраманд бўла оладилар.

**К.АМИНОВ,**  
Хоразм мусиқа тарихи музейи бўлими мудири.

Г.Эгамова, катта илмий ходим

**МАДАНИЯТ** ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Маданий вазирлиги, «Dildosh media» МЧЖ

**Бош муҳаррир:**  
Дилбаҳор Худойбердиева

**Таҳририят манзили:**  
100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.  
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

**Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.**

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

**Нашр учун масъул:** Муҳаббат Шарифова

**Навбатчи муҳаррир:** С.Рихсиева

**Навбатчи:** Н. Содиқова

Адади - 8 556 **Буюртма** - Г - 827

Сотувда келишилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

**Газета “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.**

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 42. Босмахонага топшириш вақти - 21.00

Топшириди - 21.00

1 2 3 4 6